O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 15 апрель, № 73 (4988) Пайшанба

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ – БЕБАҲО БОЙЛИК

***Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "Соғлиқни сақлаш — TIHE 2010" 15-халқаро кўргазмаси иш бошлади. Мазкур нуфузли тадбир "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Республика Стоматологлар уюшмаси, "Ўзтибтехника" МЧЖ каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.***

### Кўргазма

Унда тиббиёт асбоб-ускуналари, фармацевтика маҳсулотлари, шунингдек, эстетик тиббиёт ҳамда стоматология соҳасидаги янгиликлар намойиш этилмоқда. Кўргазма павильонларидан МДҲ мамлакатлари, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Исроил, Италия, Ҳиндистон, Хитой, БАА, Швейцария, Туркия, Япония, Жанубий Корея сингари жаҳоннинг 25 давлатидан келган 145 дан зиёд компанияларнинг маҳсулотлари жой олган. Экспонентларнинг 34 фоизи эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилардир. Жумладан, соҳа етакчилари саналган "Mediz AG", "Pharmed sanoat", "Tibbiy asbob servis", "Rano Botlers", "Стеклопластик" сингари компаниялар шулар жумласидандир.

Эътироф этиш жоизки, йилдан-йилга кўлами кенгайиб бораётган ушбу кўргазма бугун жаҳон миқёсида энг нуфузли халқаро тадбирлардан бири сифатида тан олинаяпти. Кўплаб фирма ва компаниялар ўз маҳсулотларини кенг миқёсда таништириш, дунё бозоридаги етакчи ишлаб чиқарувчилар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш истагида "Соғлиқни сақлаш — TIHE" ҳафталиги кўргазмасида мунтазам иштирок этиб келаётгани бунинг исботидир. Ўз навбатида, мазкур анъанавий тадбир мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг изчиллигини намоён этишда муҳим аҳамият касб этаётир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Маълумки, бугун мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадлар йўлида кўплаб аниқ йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бинобарин, тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, жойлардаги шифо муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳада малакали мутахассислар фаолият кўрсатишини таъминлашга эришиш тизимни ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан биридир. Шу маънода, "Соғлиқни сақлаш — TIHE 2010" халқаро кўргазма-ярмаркаси даволаш муассасаларини энг замонавий даволаш-ташхис ускуналари билан жиҳозлашда муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

***Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда 12 апрель куни «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРИ БЕРАЁТГАН ЮКСАК САМАРАЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

**Раманатан ТЕЙВЕНДРАН, Менежментни ривожлантириш институти бош котиби (Сингапур):**

— Ушбу конференция жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш ва унинг оқибатларини енгиллаштириш борасида Ўзбекистон эришган муваффақиятларни ўрганиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Унда ўнлаб мамлакатлардан юзлаб давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, дипломатлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этгани бунинг яққол тасдиғидир. Давлатингиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатингиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва халқингиз турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий тамойиллари аниқ белгилаб берилгани туфайли

### СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўзбекистон глобал молиявий-иқтисодий инқироздан деярли азият чекмади. Мазкур дастур берган самараларни кенг ўрганиш ва бошқа мамлакатларда ҳам қўллаш жаҳон иқтисодий юксалишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Шу ўринда мамлакатингиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самараларни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Юртингизда ёш авлоднинг пухта билим олиши, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиши, умуман, ёшлар камолоти учун барча зарур ва қулай шарт-шароитлар мавжуд. Мазкур соҳада мамлакатингиз билан ҳамкорлигимиз жадал ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради.

**Константин МАКАРЕНКО, Сумск савдо-саноат палатаси раиси (Украина):**

— Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш йўналишида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самаралар билан яқиндан танишганимдан мамнунман. Бюджет, банк-молия ва кредит тизимини, иқтисодиёт реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари кўплаб соҳаларда, жумладан, иқтисодий жабҳада изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида улкан салоҳиятга эга. Хусусан, кимё, енгил саноат, машинасозлик каби тармоқларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари мавжуд.

Ҳар гал Ўзбекистонга келганимда, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан ҳайратланаман. Мамлакатингизнинг истиқболи янада буюк эканига ишончим комил.

(Давоми 2-бетда).

# Идоралараро комиссия йиғилиши

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р. Қодиров раислигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш бўйича Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари ва «Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг масъул котиби тўғрисида»ги Низом муҳокама қилинди.

### Огоҳлик

Муҳокамада таъкидланганидек, юқорида зикр этилган ҳудудий идоралараро комиссиялари томонидан муайян ишлар амалга оширилган. Ва айни бир вақтда улар фаолиятида қатор камчилик ҳамда нуқсонларга ҳам йўл қўйилган. Шу туфайли тадбирда одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи барча мансабдор шахсларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилди. Соҳага доир тадбирларнинг бажарилишини жадаллаштириш ва такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашишда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, йиғилиш иштирокчиларининг эътибори кичик бизнес

(Давоми 2-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг жорий йил дастлабки чорагида соҳада амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва галдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмита ҳамда ҳудудий давлат солиқ бошқармалари, инспекциялари раҳбарлари иштирок этди.**

## Давлат солиқ хизмати:
# БИРИНЧИ ЧОРАК САРҲИСОБИ

Қўмита раиси Б. Парпиев бошқарган йиғилишда асосий эътибор Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорлари билан давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган вазифалар ижроси юзасидан 2010 йилнинг I чорагида бажарилган ишлар сарҳисоби ҳамда биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, биринчи чоракда бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари 100,5 фоиз, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси — 100,2 фоиз, Республика йўл жамғармаси — 101,8 фоиз ва Мактаб таълими жамғармаси 103,2 фоиз бажарилганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида солиқ солиш базасини кенгайтириш ва солиқлар ҳамда мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланиб, уларни бартараф этиш ва такрорланишининг олдини олишга доир чоралар белгиланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил бошида қабул қилинган давлат солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирларига оид қарорининг ижросини таъминлаш, жумладан, бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари ҳамда уларнинг ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар муҳокама қилинди.

Мазкур йўналишда ўтган қисқа давр мобайнида муайян натижаларга эришилган бўлсада, жойларда ҳокимликлар томонидан масалага етарлича эътибор қаратилмаётгани оқибатида Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бозорлар даромадлари ҳисобидан маҳаллий бюджетга тушумларни ошириш ва Сирдарё вилоятида бозорлар фаолиятини тартибга солишга оид ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилганлиги танқид қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## Кўламли хайрли ишлар

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Мўйноқ туманида Халқаро Оролни қутқариш жамғармасининг "Амударё дельтасида кичик сув ҳавзаларини барпо этиш" лойиҳаси доирасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди.***

Хусусан, 30,6 километрлик "Жилтирбас" дамбаси ва бир неча сув иншоотлари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Ушбу мақсадлар учун 6921,8 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Айтиш лозимки, бу каби кенг қамровли ишлар Орол денгизи ҳавзасида қушлар ва ўсимлик дунёси ривожланишида ҳамда сердаромад балиқчилик соҳаси қайта йўлга қўйилишида муҳим омил бўлмоқда.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ташаббус доирасидаги тадбирлар

***САМАРҚАНД. Мамлакатимизда "Фонд Форум", "Меҳр нури" жамғармалари ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилаётган "Биз — бир жамоамиз" ёшлар акцияси доирасидаги навбатдаги тадбир Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.***

Шу муносабат билан шаҳарнинг гўзал гўшаларидан бири — Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида вилоятдаги мактаб, коллеж, академик лицей ва олий ўқув юртларида таҳсил олувчи йигит-қизлар учун "Бўш иш ўринлари ва миллий ҳунармандчилик ярмаркаси" ташкил қилинди. Эътиборлиси, ярмаркада ташкилот, муассаса ва корхоналар томонидан ёшларга 12 мингдан зиёд бўш иш ўринлари таклиф этилди.

Тадбир доирасида Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида "Етакчилик қобилиятини ривожлантириш", "Лойиҳалар устида ишлаш", "Хорижий тилларни ўрганамиз" сингари қатор мавзуларда ўқув-семинарлар уюштирилди. Бундан ташқари, ёшлар лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида "Келажак овози" ЁТМ билан ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Олтинкўлнинг ширмой нонлари

***АНДИЖОН. Олтинкўл туманидаги Кўмакай қишлоғида "Андижондон" акциядорлик жамиятининг қолипли нон пишириш корхонаси фойдаланишга топширилди.***

Бу ерда Германиядан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида бир кеча-кундузда 1,5 тоннагача ширмой нон тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Нонлар тури эса 12 тага етказилди.

Корхона иш бошлаши билан 20 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Қишлоқ аҳли учун меҳнат ярмаркаси

***ХОРАЗМ. Янгиариқ тумани марказида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.***

Унда 50 га яқин корхона ва ташкилотлар ўзларидаги 500 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан қатнашди. Қувонарли томони шундаки, меҳнат ярмаркасида туманнинг чекка қишлоқларидан ташриф буюрган 400 нафар фуқаро ишга қабул қилиниб, уларга меҳнат дафтарчалари очилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ХАЛҚАРО ЮК ТАШУВЛАР ҲАЖМИ ОШМОҚДА

***Ўтган йили "Кореан Эйр" компаниясидан миллий авиакомпаниямизга келтирилган замонавий самолётлар билан Навоий шаҳри аэропортидан халқаро йўналишлар бўйича амалга оширилган рейслар***

**330 дан ошиб кетди.**

Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодаль марказ қурилиши жадал олиб борилаётгани, авиапарк замонавий самолётлар билан бойитилаётгани мазкур аэропортни глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди. Бинобарин, 2009 йилда халқаро йўналишлар бўйича 8,5 минг тонна юк ташилди.



## АКАДЕМИК ЖАҲОНГИР ҲАМИДОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Биокимё соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Жаҳонгир Ҳамидов 80 ёшда вафот этди.

Ж. Ҳамидов 1930 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1953 йили Тошкент тиббиёт институтини тугатиб, Москва тиббиёт институти қошидаги аспирантурага ўқишга кирди. 1958 йилда номзодлик, 1965 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1987 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзолигига сайланди.

1956 йили Тошкент тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)да ассистент сифатида иш бошлаган Ж. Ҳамидов ярим асрдан зиёд вақт давомида самарали илмий-педагогик фаолият олиб борди. У Ўзбекистон Фанлар академияси Ўлка тиббиёти (ҳозирги Эндокринология), Ядро физикаси, Зоология институтларида лаборатория мудири, Биокимё институти директори, Фанлар академияси Президиумининг Биология фанлари бўлими раиси каби лавозимларда хизмат қилди.

Ж. Ҳамидов давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, 1989-1991 йилларда Ўзбекистон КП Марказий қўмитаси котиби, 1990-1994 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати сифатида фаолият кўрсатди.

Таниқли олимнинг молекуляр ҳужайра биологияси ва генетика соҳасида ўз шогирдлари билан биргаликда олиб борган кенг қамровли тадқиқотлари, биокимё фанининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб илмий мақолалари, рисола ва монографиялари мамлакатимиз илм-фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

У жонкуяр устоз сифатида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодларини тайёрлашга бевосита раҳбарлик қилди.

Академик Ж. Ҳамидовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлган эди.

Таниқли олим, истеъдодли илм-фан ташкилотчиси, меҳрибон устоз Жаҳонгир Ҳамидовнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, А. АРИПОВ, Ш. СОЛИҲОВ, Т. СОАТОВ**

***Сир эмаски, бугунги кунга келиб илм-фан ривожида жадаллик кузатилмоқда. Бу эса инсоният олдидаги ечими мураккаб бўлган баъзи муаммоларнинг ҳал этилишига йўл очаётир. Хусусан, кейинги йилларда олимлар томонидан шундай ихтиролар яратилдики, уларнинг самараси ўлароқ, инсоният тиш оғриғи, сурункали ичкиликбозлик, энг муҳими, кексайишдан қутулиши мумкин экан. Қуйида ана шундай оламшумул ихтиролар ҳақида сўз юритамиз.***

# ИХТИРОЛАР АҲАМИЯТИ ВА ТАБИИЙ МУВОЗАНАТ

Экспертларнинг фикрича, ўтган йилнинг энг шов-шувли воқеаларидан бири ҳужайралар қаришининг олдини олувчи "Р16" генининг кашф этилиши бўлди. Жорий йилда эса олимлар унинг мантиқий давоми бўлмиш яна бир тажрибага қўл уришни режалаштиришган. Яъни нанороботлар ёрдамида "Р16" гени фаолияти тўхтатиб қўйилиб, бу жараён ҳужайра умрини узайтирадими-йўқми деган, саволга жавоб олишмоқчи. Агар бу кутилган натижани берса, инсоният ҳозиргидан узоқ умр кўриш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Маълумки, юрак инсон организмидаги энг муҳим аъзо саналади. Унга жиддий шикаст етказилса, шу заҳоти организмда ҳаёт тўхтаб қолиши ҳақидаги тасаввурлар болалигимизда шаклланган. Тиниб-тинчимаган олимлар эса бу муаммога ҳам ечим топишган кўринади. Хусусан, Европа аэрокосмик ва муҳофаза концерни ҳамда "Airbus" компаниясида фаолият юритаётган бир гуруҳ олимлар автоном равишда ишлайдиган сунъий юракни кашф қилишди. Янги қурилма инсоннинг ҳақиқий юрагига жуда ўхшаб кетади. У тромб ҳосил бўлишига йўл қўймайдиган тўқима билан қопланган бўлиб, беморнинг иммун тизимида муаммо юзага келишининг олдини олишга ёрдам беради. Ҳозирда мутахассислар сунъий юракнинг энергия қувватини ошириш устида иш олиб боришмоқда.

АҚШнинг Жоржия штатидаги Технология институти мутахассислари эса жарроҳлик соҳасида инқилоб қилишга бел боғлашибди. Гап шундаки, улар тери тўқималари ва полимерли материал ёрдамида организмдаги пай ҳамда мушак тўқималарига бирикиб кета оладиган сунъий суяк моделини яратишга муваффақ бўлишган. Шундай экан, яқин келажакда ясама қўл-оёқлар (протезлар)дан фойдаланишга умуман эҳтиёж қолмаслиги мумкин.

Алкоголизм (ичкиликка муккасидан кетиш) ҳозирги даврда авж олган муаммолардан бири саналади. Сир эмаски, бу дардни даволашда бугунги кунда кўплаб усуллардан фойдаланилмоқда. Яъни унга қарши иммунитет ҳосил қилиш учун турли ҳапдорилар яратилган ва улар кенг равишда қўлланилмоқда. Аммо яқинда мазкур дарддан фориғ бўлиш учун бундай даво усулларига эҳтиёж қолмаслиги мумкин. Чунки Нью-Йорк (АҚШ) Алкоголизм касаллиги институти қошидаги тиббиёт мактаби олимлари "Алкоголизм гени" дея номланувчи "Grm7" генини кашф қилишга муваффақ бўлишди. Ихтирочиларнинг фикрича, айнан шу ген орқали сурункали ичкиликбозликка мойиллиги бор одамларни олдиндан аниқлаш мумкин. Агар инсон организмида "Grm7" миқдори пасайиб кетса, ичкиликка бўлган хоҳиш ошиб борар экан. Муаммо кескинлашувининг энг оддий ечими ушбу ген меъёрининг бузилишига йўл қўймасликдир.

Тиш оғриғидан азоб чекмаган одам бўлмаса керак. Эътиборли жиҳати, жорий йил бу борада ҳам оламшумул янгилик бўлиши кутилмоқда. Яъни

**Шарҳ**

эндиликда ҳақиқий янги тишлар оғиз бўшлиғида ўстирилади. Токио (Япония) Табиий фанлар университети олимлари томонидан яратилган бу ихтиро синовдан муваффақиятли ўтган. Тўғри, ҳозирча бу технология сичқонларда синаб кўрилди. Яъни тадқиқотчилар сичқон эмбрионидан 50 мингга яқин тишларни шакллантирувчи қон ҳужайраларини олиб, уларни бир неча ҳафта давомида махсус идишда ўстиришган. Натижада ярим миллиметргача ҳажмда тиш куртаги ўсиб чиққан. Уни қари сичқоннинг суғуриб олинган тиши ўрнига кўчириб ўтказилганда, бир ойдан кўпроқ вақтдан сўнг, янги тиш ўса бошлади. Эллик кун ўтгач эса сичқон бу тишлари билан бемалол қаттиқ нарсаларни ғажий олган.

Мутахассисларнинг эътирофича, бундай ихтиролар илм-фан ривожига катта ҳисса қўшиши билан, амалиётда ҳам юқори самара беради. Аммо олимлар бу билан изланишдан тўхтаб қолишгани йўқ. Турли ахборот манбалари маълумотларига қараганда, жорий йилда яратилиши кутилаётган оламшумул ихтиролар ҳам талайгина. Ҳозирча олимлар улар ҳақида очиқ-ойдин гапиришмаётган бўлса-да, аллақачон бу кашфиётлар тўғрисидаги шов-шувлар одамлар оғзига тушиб улгурди.

Масалан, япониялик олимлар яратишга киришган "электрон чақалоқ"ни олайлик. У катта ҳаёт остонасида турган ёш ота-оналар учун тажриба orттириш воситаси бўлиши кутилмоқда. Қизиқ жиҳати, бу чақалоқлар йиғлайди, хархаша қилади ва ҳатто, "тагини ҳўллаб" ҳам қўяди. Тез орада бундай "гўдак-робот"ларни кўплаб ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Яна бир қизиқ маълумот. Маълумки, ўқитувчилик ҳам шарафли, ҳам масъулиятли касб саналади. Жорий йилда яратилиши кутилаётган янгилик бу соҳа вакиллари оғирини енгил қилиши мумкин. Яъни у "e-nuvo Humanoid" номли робот-ўқитувчи бўлиб, бўйи 126 сантиметрга тенг. Маълум қилинишича, мазкур робот бошланғич синф ўқувчиларига дарс беришга мўлжалланган. У физика ва математика фанларидан сабоқ беради. Робот компьютер ёки масофавий пульт билан бошқарилади ҳамда овоз орқали бериладиган буйруқларни тушунади.

Мобиль телефонлари борасида янги ихтиро "Synaptics" компанияси томонидан яратилмоқда. Ундан силаш, ғижимлаш ва силкитиш каби ҳаракатлар орқали фойдаланилади. Яъни қўнғироқлар рўйхатига кириш учун телефонни силкитсангиз кифоя, тўхтатиш учун эса бир ғижимлаб қўясиз.

"Philips" компанияси тадқиқотчилари техника воситалари учун "электрон тери" кашф этишди. Қизиғи, у эгасининг кайфиятига қараб турланади. Масалан, сизни безор қилган одам қўнғироқ қилса, телефон бирдан қизара бошлайди. Шунингдек, у билан уй жиҳозларини ҳам безаш мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, маълум вақт ўтгач, бундай "тери"ларни автомобилларга ҳам ўрнатиш мумкин.

Велосипеднинг тезлигини оширадиган ва ҳаводаги ифлосланиш ҳақида хабар бериб турадиган "Biking 2.0" ускунаси ўтган йили Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида бўлиб ўтган иқлим ўзгаришларига бағишланган халқаро саммитда оммага намойиш этилганди. Ускуна велосипеднинг орқа ғилдирагига ўрнатилганда, у тезликни оширишга хизмат қилади. Педални айлантириш вақтида эса электр қуввати йиғади. Шу билан бирга, ускуна махсус қурилма ("Bluetooth") ёрдамида велосипед чамбарагига ўрнатилган "iPhone" қурилмасига сиз ҳаракатланаётган йўлдаги ҳавонинг ифлослик даражаси, йўллардаги тирбандлик ҳақида маълумот бериб туради. Уни исталган велосипедга ўрнатиш мумкин.

Қисқача айтганда, бундай ихтиролар замирида одамларнинг мушкулини осон қилиш, ҳаётини янада яхшилаш истаги мужассам. Аммо масаланинг яна бир жиҳати борки, у ҳаёт бардавомлигини таъминлаб турган табиий мувозанатга путур етказмаслиги жоиз. Зеро, ҳар қандай янгилик тараққиётга хизмат қилсагина, унинг самараси эзгу ва хайрли бўлади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Довул келтирган талафот



***Ҳиндистонда юз берган довул мамлакатнинг Ғарбий Бенгалия штатида яшовчи аҳоли учун кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқарган.***

Бу ҳақда "Ассошиэйтед Пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Табиий офат, айниқса, Шимолий Динажпур округида кўплаб талафотларга сабаб бўлган. Қулаб тушган бино ва дарахтлар остида қолиб кетган 31 киши ҳалок бўлган. Қарийб 50 мингта тураржой биноси вайронага айланган.

### Самолёт ҳалокатга учради

***Мексикада "Airbus A300" русумли юк ташувчи самолёт ҳалокатга учраган.***

Бу ҳақда "Sky News" телеканали хабар тарқатди. Фалокат Монтеррея шаҳридаги халқаро аэропортда юз берган. Яъни "AeroUnion" авиакомпаниясига тегишли бўлган лайнер ҳавога кўтарилишдан олдин фожиага йўлиққан. Оқибатда беш киши ҳалок бўлган. Воқеа сабаблари аниқ эмас. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

### Хитойда кучли зилзила

***Кучланиши Рихтер шкаласи бўйича 7,1 баллни ташкил этган ер ости силкиниши Хитойнинг Цинхай музофотида катта талафотларни келтириб чиқарган.***



Оқибатда 400 киши ҳалок бўлган, саккиз мингга яқин одам тан жароҳати олган. Ҳали вайроналар остида одамлар қолиб кетганлиги айтилмоқда. Шу боис қурбонлар сони ошиши мумкин. Бундан ташқари, зилзила юз берган ҳудудларга махсус техникалар олиб боришда муаммолар бўлаётгани қутқарув ишларида қийинчиликлар туғдирмоқда.

### Йил ижобий натижалар билан бошланди

***Швециянинг кийим-кечак маҳсулотлари билан савдо қилувчи "H&M" дўконлар тармоғи йилни ижобий натижалар билан бошлади.***

Гап шундаки, "H&M" ўтган йилнинг декабрь ойидан жорий йилнинг февраль ойигача бўлган вақт оралиғида 526 миллион евро соф фойда кўрган. Шу билан бирга, март ойида ҳам унинг дўконларида маҳсулот сотуви ошган. Изоҳланишича, қитъада истеъмол ҳажмининг кўпайиб бораётгани "H&M" фаолияти юксалишига сабаб бўлаётир. Шунингдек, бу ижобий кўрсаткич унинг биржалардаги акциялари қиймати тўрт фоизга қимматлашувига ҳам олиб келган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# МАҚСАД — МИЖОЗ ЭҲТИЁЖИНИ ТАЪМИНЛАШ

***Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада йил давомида истеъмол бозорида нарх-навонинг барқарорлигига эришилиб, аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилаяпти.***

Бунда, табиийки, қиш ва баҳор мавсумлари учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг захираси яратилаётгани айни муддао бўлаётир.

Наманган вилояти "Матлуботсавдо" акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилаётган ишлар бунга мисол бўла олади. Ушбу компания бугунги кунда вилоятнинг олис қишлоқларида ҳам замонавий савдо дўконлари барпо этиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатаяпти.

Заркент — Янгиқўрғон туманидаги чекка қишлоқлардан бири. Бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли илгари рўзғорига зарур маҳсулотларни харид қилиш учун туман марказига боришига тўғри келар эди. "Заркентсавдо" МЧЖ ташаббуси билан қишлоқда замонавий савдо шохобчаси қурилгач, оворагарчиликка чек қўйилди.

Қурилиш жараёнида нафақат дўкон биносининг ташқи кўринишига, балки сотувчи ва харидорлар учун бирдек

**Изланиш**

қулайлик яратишга алоҳида эътибор берилгани диққатга сазовор. Натижада қисқа вақт ичида шаҳардагидек, барча қулайликларга эга кўркам савдо шохобчаси иш бошлади.

Дўкон пештахталари озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла: махсус идишларда картошка, сабзи, пиёз, ошқовоқ дейсизми, боғдорчилик маҳсулотлари дейсизми, ҳаммасидан бор. Гуруч, буғдой, маккажўхори каби ноз-неъматлар бежирим идишларга қадоқлаб қўйилган. Бу маҳсулотлар тўғридан-тўғри боғбон ва деҳқонлардан қабул қилиб олингани учун нархи ҳам бирмунча арзон. Энг муҳими, уларни пластик карточкалар орқали сотиб олишингиз ҳам мумкин.

"Заркентсавдо" МЧЖ жамиятида жорий йил қиш ва баҳор мавсумлари учун етарли миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси яратилгани туфайли ҳозирги кунда мавжуд 20 та дўконнинг қай бирига кирманг, излаган маҳсулотингиз топилади. Савдо шохобчалари деҳқонлар билан узвий алоқа ўрнатгани эса, икки томонга фойдали бўлмоқда. Пировардида товар айланмасининг тобора ўсишига эришилаяпти. Масалан, ўтган йили ойига 80-100 миллион сўмдан савдо қилинган бўлса, шу кунларда бу кўрсаткич 150-160 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Айтиш жоизки, Чортоқ туманидаги озиқ-овқат дўконларида ҳам шундай яхши тажриба мавжуд. Қиш ва баҳор мавсумлари учун туман улгуржи-чакана савдо акциядорлик жамияти томонидан 200 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси яратилган эди. Улар 55 та озиқ-овқат дўкони орқали аҳолига арзон нархларда сотилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, тизимда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли чекка туман қишлоқ дўконларида ҳам хизмат кўрсатиш маданияти тобора ошиб бораяпти. Бу, ўз навбатида, аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Эркин ҚАМБАРОВ.** t

Tucson
Ўз йўлингни танла!
Тез кунларда савдода бўлади!



Drive your way
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.
HYUNDAI Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
қуйидаги конфигурациядаги компютер техникасини пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш учун
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.



1. Шахсий компьютер: PC CPU Intel Dual Core E5200 2.6 GHz / Intel G31 / DDRII 1Gb RAM / Sound & VGA & LAN integrated / HDD 250Gb / DVD-RW / ATX Case 400W / Optical mouse / Keyboard / Modem / Active speaker / Pilot / Monitor LCD 17;
2. Принтер: Canon LBP 3010 B ёки HP LJ 1005;
3. Ишчи станция ва серверлар учун антивирус ҳимоя дастури: Kaspersky Business Space Security (1 year base license).



*Тўлов ва етказиб бериш шартлари, кафолат муддати, шунингдек, олди-сотди билан шуғулланиш учун лицензия ва маҳсулот сертификатлари ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, тайёрланган таклифлар муҳрланган конвертларда 2010 йил 23 апрель соат 18.00 гача Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида қабул қилинади.*

Манзил: Тошкент ш., Навоий к., 4-уй, (Р. Абдуназаров, тел.: (8-371) 244-94-22).

*Ташкилот пул ўтказиш йўли билан наъматак меваларини сотиб олади. Маҳсулот сертификатга эга бўлиши шарт. Таклифлар қуйидаги тел./факс: (99871) 256-60-59 ёки E-mail: uzximpharm@yandex.ru орқали қабул қилинади.*

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Арзибика Жонибековага турмуш ўртоғи
**Баймирза ШУЛАМАНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Болалик даври асаб касалликлари кафедрасининг мудири, профессор Шоанвар Шомансуровга волидаи муҳтарамаси
**Саиданисо ШОМАНСУРОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Хитойнинг оммабоп "Lookwe" журналида "Ипак йўли бўйидаги Ўзбекистон" сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда мамлакатимизнинг турли йўналишларга бой сайёҳлик салоҳияти ва уни ривожлантириш имкониятлари ҳақида ҳикоя қилинади.*

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

**Дунё нигоҳи**

Ранг-баранг суратлар билан безатилган мақолада Ўзбекистон ўзининг таърифига тил ожиз миллий хилма-хилликка бойлиги, тезкор ривожланаётган инфратузилмаси ва ҳатто, энг таъби нозик сайёҳни ҳам ҳайратга соладиган бениҳоя гўзал табиати билан Европа, Осиё ва Американинг етакчи сайёҳлик компаниялари рўйхатида юқори ўринни эгаллаши қайд этилади. Бу ерда хорижий сайёҳларнинг мамлакат тарихи, маданияти ва бугунги ҳаёти билан яқиндан танишиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Бугунги глобаллашув ва туризм йўналишидаги аёвсиз рақобат шароитида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, либераллаштириш ҳамда унга қўшимча хорижий сармояни жалб қилиш борасида Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилган сиёсат мамлакатни бутун дунёга машҳур "Буюк Ипак йўли" йўналиши доирасида сайёҳлар энг кўп келадиган давлатлардан бирига айлантиришдек эзгу мақсадни амалга оширишга хизмат қилди. "Бугунги кунда туризм тармоғи Ўзбекистон иқтисодиётининг энг истиқболли соҳаларидан бирига айланди", дейилади мақолада.

Мамлакат сайёҳлик бизнесининг инфратузилмаси халқаро андозалар сари дадил одимламоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда 20 га яқин йирик ва ўрта даражадаги, 30 дан зиёд кичик хусусий меҳмонхоналар қурилди. Тошкент, Самарқанд, Урганч, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги меҳмонхоналар реконструкция қилинди.

"Ўзбекистоннинг сайёҳлар учун ўта жозибали бўлган улуғвор Бухоро, афсонавий гўзал Самарқанд, узоқ ўтмишга эга Хива ва ҳамиша навқирон Тошкент каби қадимий шаҳарларида турли тарихий даврларга мансуб бўлган кўплаб архитектура дурдоналари авайлаб асраб келинмоқда", дея ёзилади "Lookwe" журналида.

Миллий меъморлик намуналари бўлган кўп асрлик иморатлар бугунги кун архитектураси билан бетакрор уйғунлик касб этади.

Хитой журнали Ўзбекистон экологик туризм бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллашини қайд этади. Ранг-баранг ҳайвонот ва наботот дунёси, ўзига хос табиат манзаралари, маданий анъаналар ва миллий таомлар — буларнинг барчаси бир жойда жам бўлган масканни дунёнинг бирон-бир бурчагида топиш мушкул. Ўзбекистоннинг Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси каби ЮНЕСКОнинг муҳофаза қилинадиган ҳудудлар рўйхатига киритилган бутун дунёга машҳур, ноёб қўриқхоналарига алоҳида эътибор қаратилади. Экология туризмини ривожлантириш концепцияси доирасида Ўзбекистонда табиий муҳитни тиклаш ва Айдар-Арнасой кўли тизими, Угам-Чотқол рекреацион ҳудуди ҳамда Чорвоқ дам олиш масканидаги вазиятнинг экологик барқарорлигини таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мутахассислар томонидан Ўзбекистон бўйича юзлаб сайёҳлик йўналишлари ташкил этилди, жами тўрт мингдан зиёд ва шундан 140 таси ЮНЕСКОнинг ҳимоясида бўлган маданий, меъморий ёдгорликлар ҳамда табиати гўзал ноёб масканлар қайта тикланди. Ушбу далиллар хорижий сармоядорлар учун фавқулодда жозибали саналади.

"Мазкур жараёнда сайёҳлик соҳасидаги тадбиркорликнинг барча бўғинлари ҳамда халқаро туризм саноатининг замонавий анъаналарини ўзига хос тарзда уйғунлаштириш ҳисобига кенгайтириш учун қулай имкониятларни таъминлаб берадиган давлат етакчи роль ўйнайди", дея қайд этилади мақола якунида.

**«Жаҳон» АА.**
Пекин



**Ришод СОБИРОВ:**

# МАҲОРАТ МАКТАБИ САБОҒИ

**Спортнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни бениҳоя катта. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ташкил топган уч босқичли спорт мусобақалари дунёда тенгсиз, дея эътироф этилаётир. Муҳими, спортга меҳр-иштиёқ қўйган, у билан астойдил шуғулланаётган ёшларнинг кўпчилиги халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишаяпти. Жондор туманида туғилиб ўсган оддий қишлоқ йигити Ришод Собировнинг жаҳон спорт ареналарида эришаётган ютуқлари бунинг ёрқин далилидир.**

— Чинакам курашчи, дзюдочи бўлиб шаклланишимда талаба-ёшлар ўртасида ўтказиб келинаётган "Универсиада" мусобақаларининг ўрни катта, дейди Ришод. — Нега-ки, айнан шу мусобақаларда куч ва маҳоратимни жиддий синовдан ўтказдим. Тажриба тўпладим. Бухоро давлат университети талабаси сифатида "Универсиада" беллашувларини орзиқиб кутган пайтларимни эсласам, вужудимни ҳаяжон босади. Ҳа, "Универсиада" — спортчи учун чинакам маҳорат мактаби. Бу мактаб сабоғини олган спортчи асло ютқазмайди.

Полвонлик қонида бор боланинг кўзида, юрагида ўт чақнаб туради. Бундай боланинг юрагига йўл топмоқ учун "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва ниҳоят "Универсиада" мусобақалари ўзига хос имкониятдир. Бинобарин, спорт мураббийлари учун ҳам уч босқичли беллашувларнинг аҳамияти беқиёс. Ришодга кураш, дзюдо сирларидан илк сабоқни берган Олот туманидаги 7-Олимпия захиралари спорт мактаб-интернати мураббийлари ҳам шундай фикрдалар.

— Бухорода бўлиб ўтган "Универсиада"ни бир эсланг-а, — дея мулоҳаза юритади мактаб-интернат директори, мамлакатимизнинг тажрибали мураббийларидан бири Рустам Тўраев. — Шу нуфузли мусобақа шарофати билан янги спорт мажмуалари, стадион, спорт заллари барпо этилди. Вилоятимизда спорт инфратузилмаси тубдан яхшиланди. Халқаро андозалар даражасидаги бу спорт иншоотлари ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Бугунги кунда "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақаларига тайёргарлик кўраётган ёшлардан келгусида жаҳон, Олимпиада чемпионлари етишиб чиқишига шак-шубҳа йўқ.

Ришод Собиров 2008 йилда Пекинда (Хитой) ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида дзюдо бўйича бронза медалини қўлга киритгани, жаҳон, Осиё миқёсидаги қатор нуфузли мусобақаларда совриндор бўлгани кўпчиликнинг ёдида, албатта. Яқинда эса у яна бир қувончли натижага эришди. Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган "World Masters" туркумидаги халқаро турнирда олтин медални қўлга киритди. Натижада Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли рейтинг очколарига эга бўлди. Дунёнинг қирқдан зиёд давлатидан кучли полвонлар иштирок этган турнирда бундай юксак натижага эришиш Ришоднинг эртанги кунда қўлга киритажак ғалабаларидан дарақдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

# ШЕРЗОДНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ




***Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича йигирма ёшгача бўлган ёшлар ва қизлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионатининг навбатдаги куни ҳам юртдошларимиз учун омадли келди.***

Жумладан, кеча бўлиб ўтган беллашувларда хоразмлик Шерзод Рўзметов (69 кг.) даст кўтаришда 122 килограмм, силтаб кўтаришда 148 килограмм натижа қайд этди. Умумий якун эса 270 килограммни ташкил қилди. У даст кўтаришда олтин, силтаб кўтаришда бронза, умумий якун бўйича кумуш медали билан тақдирланди. 1991 йилда туғилган Ш. Рўзметов ўн ёшидан бошлаб, оғир атлетика билан шуғулланади. Ҳозирда пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари коллежида устози Хушнудбек Салаев қўли остида маҳоратини оширмоқда.

— Коллежимизда спорт билан шуғулланишимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилган, — дейди Ш. Рўзметов. — Ўтган йили Дубай (БАА) шаҳри мезбонлик қилган Осиё чемпионатида яхши натижага эриша олмагандим. Шу сабабли, бу сафарги мусобақага бир йил давомида жиддий тайёргарлик кўрдим. Ўқув-йиғин машғулотларида устозларим кўрсатмаларини аниқ бажаришга ҳаракат қилдим. Шукрки, бугун бирданига учта медални қўлга киритдим.

69 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги спортчилар орасида қатнашган яна бир вакилимиз, қорақалпоғистонлик Бобомурод Чашемов тўртинчи ўрин билан кифояланди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОСИЁ КУБОГИ — ҲАМЮРТЛАРИМИЗДА

***Таиланд ва Сингапурда триатлон бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этди.***

Таиланд давлати мезбонлик қилган дастлабки босқичда Жавоҳир Юнусов ва Диёр Абдимўминов учинчи ўринни эгаллашди. Сингапур давлатида бўлиб ўтган мусобақада эса иккала спортчимиз ҳам олтин медаллар соҳиби бўлишди. Яна бир вакилимиз Шоҳруҳ Юнусов бронза медали билан тақдирланди.

— Осиё кубогида йигирмага яқин давлатдан юздан ортиқ триатлончи иштирок этди, — дейди Диёр Абдимўминов. — Албатта, бу каби юқори натижага эришишимизда мамлакатимизда спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилгани муҳим омил бўлди. Насиб этса, май ойида ўтадиган Осиё чемпионати ва жаҳон кубоги мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламиз.

**Мирали БОЙМУРОДОВ.**


ISO 9001?

Как управлять
по международным нормам

...миссия, стратегия, качество,
бизнес-процессы, безопасность,
экология, QPI, КТУ, персонал,
брендинг, сервис, кайдзен, BSC...




+998 (71) 140-14-24


*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!*

# ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**маъмурияти 2009 — 2010 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.**

***Битирувчиларга келгусидаги иш жойларини танлаш имкониятини яратиш мақсадида, корхона ва ташкилотларнинг уларга бўлган эҳтиёж ва имкониятлари (маош, тураржой таъминоти ва бошқа имтиёзлар) ҳақида институтга талабнома ва сўров хати билан мурожаат қилишларини сўраймиз.***

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй.
Тел.: (8-371) 241-14-52, факс: 241-80-00 ёки e-mail: tasi_info@edu.uz

*(Г — давлат гранти асосида, Ш — шартнома асосида)*

| Т/р | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар номи | 2009 — 2010 ўқув йили битирувчилари сони | | | Шу жумладан, вилоятлар бўйича: Тошкент ш. | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Андижон | | Бухоро | | Жиззах | | Қашқадарё | | Наманган | | Навоий | | Сирдарё | | Самарқанд | | Сурхондарё | | Тошкент | | Фарғона | | Хоразм | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| | **БАКАЛАВРИАТ** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Архитектура | 60 | 19 | 41 | 15 | 25 | | 1 | | 1 | | 2 | 1 | | 2 | | 1 | 1 | | 1 | | | | | | 1 | | 7 | | 2 | | |
| 2 | Дизайн | 52 | 13 | 39 | 8 | 31 | | | | 1 | | 2 | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | 3 | 5 | | | | |
| 3 | Менежмент (соҳалар бўйича) | 122 | 34 | 88 | 17 | 48 | 1 | 3 | | 2 | 2 | 5 | 1 | | 4 | 6 | 2 | 1 | 2 | 2 | | 1 | | 2 | 1 | 3 | 1 | 6 | 3 | 2 | | 7 |
| 4 | Геодезия, картография ва кадастр | 27 | 10 | 17 | 8 | 11 | | | | | | | | | 2 | 2 | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | 2 | | |
| 5 | Бинолар ва иншоотлар қурилиши | 112 | 38 | 74 | 22 | 41 | | 2 | | 1 | 2 | 1 | | 1 | 4 | 7 | 1 | | 3 | 1 | | 1 | | | | 3 | 4 | 14 | 2 | 1 | | 1 |
| 6 | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги | 45 | 14 | 31 | 12 | 22 | | 1 | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | 1 | 6 | | | | 1 |
| 7 | Муҳандислик коммуникациялари қурилиши | 42 | 15 | 27 | 4 | 14 | 1 | | | | 1 | 1 | | 1 | 2 | 2 | 1 | | | | 1 | | | | 1 | 2 | 4 | 7 | | | | |
| 8 | Қурилиш материаллари ва буюмларни ишлаб чиқариш технологияси | 38 | 12 | 26 | 7 | 13 | 2 | | | | | 1 | 1 | | | 3 | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 5 | | 1 | | 1 |
| 9 | Касб таълими (Муҳандислик коммуникациялари қурилиши) | 22 | 12 | 10 | 3 | 4 | | | | | | | | | 7 | 2 | | | | 1 | | | | | 2 | | | 1 | | | | 2 |
| 10 | Касб таълими (Бинолар ва иншоотлар қурилиши) | 33 | 10 | 23 | 3 | 8 | | | | | 1 | | 1 | | 3 | 5 | | 1 | | | | | | 2 | 1 | 3 | 1 | 4 | | | | |
| 11 | Касб таълими (Шаҳар қурилиши ва хўжалиги) | 8 | 6 | 2 | 5 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | |
| 12 | Сервис | 8 | 5 | 3 | 4 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | |
| 13 | Гидротехника қурилиши | 19 | 10 | 9 | 6 | | | | | | | 1 | | 1 | 2 | 2 | | 1 | | 1 | | 1 | | | 1 | | | 2 | 1 | | | |
| | **Жами** | **588** | **198** | **390** | **114** | **220** | **4** | **7** | **0** | **5** | **6** | **13** | **4** | **3** | **28** | **30** | **5** | **4** | **6** | **6** | **1** | **5** | **0** | **5** | **7** | **12** | **17** | **60** | **6** | **8** | **0** | **12** |
| | **МАГИСТРАТУРА** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Бино ва иншоотлар архитектураси | 7 | 2 | 5 | 2 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 |
| 2 | Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш | 4 | 2 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | |
| 3 | Шаҳарсозлик, туман ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини режалаш | 3 | 3 | 0 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 4 | Кўчмас мулкни баҳолаш | 4 | 1 | 3 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 5 | Менежмент (соҳалар бўйича) | 9 | 2 | 7 | 1 | 6 | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6 | Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар | 9 | 2 | 7 | 1 | 5 | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 7 | Гидротехник иншоотлар | 4 | 2 | 2 | | 2 | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 8 | Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш | 6 | 1 | 5 | | 3 | | | | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | |
| 9 | Лойиҳалаш-технологик ва конструктив технологик ечимларнинг тизимли таҳлили | 4 | 1 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | 1 | | | | |
| 10 | Газ-нефть сақлаш омборлари ва қувурлари қурилиши | 9 | 3 | 6 | 1 | 4 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | |
| 11 | Бино ва иншоотларни техник баҳолаш | 4 | 1 | 3 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 |
| 12 | Иситиш, шамоллатиш, ҳавони мўътадиллаш ва ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилиш | 5 | 2 | 3 | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 13 | Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш | 6 | 2 | 4 | 2 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 14 | Бинолар, шаҳар ҳудудларини комплекс қайта қуриш, тиклаш ва улардан фойдаланиш | 6 | 2 | 4 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | |
| 15 | Амалий геодезия | 5 | 2 | 3 | 2 | 2 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 16 | Шаҳар ерлари кадастри | 6 | 2 | 4 | 2 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 17 | Саноат ва хўжалик қурилишини ташкил этиш ва унинг технологияси | 4 | 1 | 3 | | 3 | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 18 | Ландшафтлар архитектураси | 3 | 3 | 0 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 19 | Бино ва иншоотларни қайта қуриш ва таъмирлаш | 3 | 2 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | | |
| | **Жами** | **101** | **36** | **65** | **22** | **49** | **1** | **2** | **1** | **2** | **0** | **0** | **1** | **1** | **4** | **1** | **1** | **0** | **0** | **1** | **0** | **0** | **2** | **2** | **0** | **1** | **1** | **3** | **3** | **0** | **0** | **1** | **3** |
| | **Жами** | **689** | **234** | **455** | **136** | **269** | **5** | **9** | **1** | **7** | **6** | **13** | **5** | **4** | **32** | **31** | **6** | **4** | **6** | **7** | **1** | **5** | **2** | **7** | **7** | **13** | **20** | **63** | **6** | **8** | **1** | **15** |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.40 1 2 4 5